

Ақийда дарслари (179-дарс). Таомнинг қавмга етиб, ортиб қолгунча кўпайтирилиши



19:00 / 19.04.2022 4344

Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Толҳа Умму Сулаймга:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг овозлари заифлигини эшитдим. Ул зотнинг оч эканликларини биламан. Сенда бирор нарса борми?» деди.

«Ҳа», деди-да, бир неча арпа нони олиб чиқди. Кейин рўмолини олиб чиқиб, унинг бир тарафи ила нонни ўради. Сўнгра уни менинг қўлтиғимга қистириб туриб, у(рўмол)нинг баъзиси билан мени ўради. Кейин мени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига юборди. Мен бориб, у зотни масжиддан топдим. Ул зот билан бошқа одамлар ҳам бор эди. Мен уларнинг тепаларига бориб, индамай туравердим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:

«Сени Абу Толҳа юбордими?» дедилар. «Ҳа», дедим.

«Таом биланми?» дедилар. «Ҳа», дедим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари билан бирга бўлганларга: «Туринглар», дедилар-да, юриб қолдилар. Мен ҳам олдиларига тушиб олиб, юриб кетавердим. Абу Толҳанинг олдига бориб, хабарни айтдим. Абу Толҳа: «Эй Умму Сулайм! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларни олиб келдилар. Бизнинг эса уларга берадиган таомимиз йўқку!» деди. «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчироқ», деди Умму Сулайм. Абу Толҳа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бориб, у зотни бошлаб келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Умму Сулайм, ўзингда борини олиб кел», дедилар. Умму Сулайм ҳалиги нонларни олиб келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амр қилдилар, улар синдирилди. Умму Сулайм ёғ мешини сиқиб, ичидаги бор нарсани чиқарди. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қараб, Аллоҳ хоҳлаган нарсаларни айтдилар. Кейин:

«Ўнтага изн бер», дедилар. Уларга изн берди. Улар тўйгуналарича еб, кейин чиқдилар. Сўнг у зот:

«Ўнтага изн бер», дедилар. Уларга изн берди. Улар тўйгуналарича еб, кейин чиқдилар. Сўнг у зот:

«Ўнтага изн бер», дедилар. Уларга изн берди. Улар тўйгуналарича еб, кейин чиқдилар. Сўнг у зот:

«Үнтага изн бер», дедилар. Уларга изн берди. Бас, қавмнинг ҳаммаси тўйгуналарича едилар. Қавм етмиш ёки саксон киши эдилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди